

**БУГУНГИ
СОНДАН
ИҚТИБОСЛАР:**

“**Н**имасини айтмай, биз туғилмасимизданоқ хомта-лаш бўлган бу дунёда яна қайта туғилишни орзу қилишга арзийдиган ҳеч нарса кўрмадим... Кўнглида зарра қадар зиё чакани бўлмаган инсонга ташқаридан берилган утиннинг фойдаси йўқ”.

2

“**Ў**зининг муаммосига бошқа идора ва ташкилотлардан жавоб ололмаган кишилар газетага мурожаат қилади. Шунинг учун бу даргоҳдан ҳам ноумид кетиши мумкин эмас”.

3

Депутат халқнинг ишончли вакили. У халқ дари, гами билан яшаб, астойдил хизмат қилсагина хурматга сазовор бўлади.

4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
17 июнь
ЧОРШАНБА
№ 41 (13302)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЭКСПОРТГА ИНТИЛГАННИНГ ЭРТАСИ БОР

**Ўзбекистонда
ишлаб чиқарилган**

Жорий йилда вилоятда саноат корхоналари ва тадбиркорлик билан боғлиқ 56 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 309 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни ўзлаштириш кўзда тутилган. Биринчи чоракда 52,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб этилиб, жами 113 миллион 400 минг АҚШ доллари кийматидаги маҳсулотлар четга экспорт қилинди.



Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати тўғрисида маълумотлар

Пискент тумани, “Бирлик” маҳалласидаги “Azalea Garment” масъулияти чекланган жамияти пандемия шароитида ҳам фаолиятини тўхтатмади. Жамоада буюртма асосида эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилиб, Россияга экспорт қилинади. Хусусан, жорий йилнинг шу кунигача 316,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга жўнатилды. Ҳозирда корхонада 200 киши ишлаяпти. Фаолиятини янада кенгайтираётган корхонага қўшимча 300 та ишчи кучи керак. Ҳозир бунинг учун барча чоралар кўриляпти.

Ўз мухбиримиз

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни олдидан



“Машъал”нинг ёнар сўзи

Вилоятимизда бир табаррук маскан бор. Мана, бир асрдан ошдики, у одамларга маърифат ва зиё улашиб келади. Таъбир жоиз бўлса, бу маскан ҳали-ҳануз Ўзбекистон зиёлилари яхши биладиган, интиладиган кўҳна «Турон» кутубхонасидир. Кутубхонанинг ўзи юз йиллик тарихга эга бўлса-да, ундаги нодир манбалар улуг ва мураккаб ўтмишимизнинг узок йиллик кўзгусидир. Ушбу маърифат масканига кириб мамлакатимиз тарихига оид китоблар, нодир кўлөзма ва газеталар таҳламлирини ва рақлар экансиз, вилоятимиз худудларидан етишиб чиққан не-не алломалар халққа сидқидилдан хизмат қилганининг гувоҳи бўласиз.

3

ҲОСИЛНИНГ БЎЛИҚЛИГИ — КЎНГИЛНИНГ ТЎҚЛИГИ

Айни кунларда вилоятимиз ғаллакорлари етиштирилган ҳосилнинг бир миқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳаракатидалар. Ўрта Чирчиқ туманида ҳам мавсумни қисқа фурсатларда самарали ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, дала майдонларида ғалла ўрими 17 та отрядга бўлинган ҳолда олиб борилади.



Аброр ҒСОНОВ олган суратлар

2

МАЪТИЛДА ҲАМ УЙДА БЎЛИНГ, ИЛМ ДЕТАН УЙДА БЎЛИНГ!


Мамлакатимизда пандемия туфайли эълон қилинган карантин сабабли кўпчилик ўқувчилар ёзги таълилни оромгоҳларда эмас, балки уйда қолиб, мазмунли ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида ҳам “Ёзги уйда ўтказ саз – устозлар сенга сарбоз!” концепцияси асосида ёзги таътил даврида ўқувчи-ёшлар билан онлайн машғулотлар олиб борилади.

– Бошқарма ташаббуси билан ёзги таътилни онлайн тарзда самарали ташкил этиш бўйича ҳар бир синфга раҳбар, 4 тадан синфга 1 нафардан мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, Ёшлар иттифоқи етакчилари, ЧҚТБ уқитувчилари, кутубхоначилар, “Баркамол авлод” мактабларининг тўғарак

раҳбарлари, туман (шаҳар)лар бўйича Маънавий-ахлоқий тарбия, мактабдан ташқари таълим ва болалиқни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш шўба раҳбари бириктирилган, – дейди вилоят Халқ таълими бошқармаси маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим бўлими бошлиғи Қаҳрамон Хўжаназаров.

2

Болалар ёзи



Маҳаллий кенгашларда

Халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Видеоселектор тарзида ўтказилган сессияда Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳокимлик мутасаддилари, тегишли идоралар масъуллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари, коронавирус пандемиясининг иқтисодий таъсирини камайтириш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар натижалари муҳокама қилинди. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида шаҳарда амалга оширилаётган ишлар бўйича тўртта сектор раҳбарларининг хисоботлари тингланди.

НУРАФШОН шаҳридаги вилоят “Ёшлар маркази”да «Генерал ва ёшлар» учрашуви ўтказилди.

Ёшлар ойлиги доирасида ўтказилган тадбирнинг меҳмони истеъфодаги генерал-майор Раҳматулла Атаханов бўлди. Учрашуви 22 та шаҳар ва туман ёшлари онлайн кузатиш-ди. Тадбирда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ҳам иштирок этишди.

Вилоят қон қуйиш марказида Миллий гвардия вилоят бошқармаси ҳарбий хизматчилари томонидан “Ёшлар ойлиги” ва Бутунжаҳон донорлик кўни муносабати билан “Эзгулик албатта қайтади” широи остида бемор болалар учун донорлик қони топширилди.

ОҚҚҲҲОН туманида “Ёшлар ойлиги” доирасида карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда “Прокурор ва ёшлар” учрашуви ташкил қилинди.

Учрашувда ёшлар туман прокурори Исмоил монидан берилган барча Абдуҳакимов ўз назоратига саволлар ва таклифларни олди.

ҚҲИИ ЧИРЧИҚ туманида фаолият юритувчи “Ёшлар бизнес инкубатори” МЧЖнинг ғалла майдонида кредит олиш истагини билдирган 30 нафар ёшлар учун дала семинари бўлиб ўтди.

Семинарда фаол иштирок этган 15 нафар ёшга Германиянинг Жамғарма кассалари фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон ёш фермерлари Кенгаши ва бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигидаги “Қишлоқ хўжалигида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган “Айланма кредит фонди”дан кредит олиш ҳуқуқини берувчи тавсиянома-лар тақдим этилди.

НУРАФШОН шаҳридаги вилоят “Ёшлар маркази”да «Генерал ва ёшлар» учрашуви ўтказилди.

Ёшлар ойлиги доирасида ўтказилган тадбирнинг меҳмони истеъфодаги генерал-майор Раҳматулла Атаханов бўлди. Учрашуви 22 та шаҳар ва туман ёшлари онлайн кузатиш-ди. Тадбирда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ҳам иштирок этишди.



Мамлакатимизда карантин талаблари юмшатишга, "яшил" ва "сарик" тоифадаги ҳудудларда ички туризм, хусусан, дам олиш масканлари очилишига ҳам рухсат берилди.
Бўстонликқа Ўзбекистоннинг Швейцарияси, деб бежиз таъриф берилмаган. Ҳавосининг мусофқолиги, гузал манзаралар, бепоён арчазорлар кишининг эътиборини тортти табиий.

Бўстонлик дам олишга чорламоқда



Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати хабар беришича, Бўстонлик туманида 30 га яқин йirik санаторий, 250 дан зиёд меҳмон уйлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда яна 15 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, «Оқтош» санаторийси ҳам дам олувчиларни қўли олишни бошлади. Албатта, дам олувчилардан карантин қоидаларига амал қилиш қатъий талаб этилади. Хоналар бир марталик ниқоб, кўлқоп ва антисептик

воситалар билан таъминланган. Аммо, дам олувчиларнинг яқинларига кўргани келиш тақиқланади. Ҳудудда тиббий ниқоб ва кўлқопда юрилади. Ҳовлидаги ўриндиқлар ҳам масофа сақланган ҳолда ўрнатилган бўлиб, уларга вақти-вақти билан антисептик дорилар селиб турилади. Санаторий ҳовлисига четдан енгил автомашиналар ҳам киритилмайди.
– Бу ернинг ҳавоси жуда ёқадди, шу боис, турмуш ўртоғим билан ҳар йили келиб, даволанамиз, – дейди меҳнат

фахрийси Аҳмаджон Юсуфбеков. – Барака топишсин, карантин қоидаларига риоя қилиш учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Хоналар ва ҳовли озода, доимий равишда кимёвий ишлов бериб турилибди. Шифокорлар ва хизмат қилувчиларнинг барчаси тиббий ниқобда. Соғлигимизга шунчалик эътибор беришга танини кўриб, хурсанд бўлдим.

Синоат

Янгийўл тумани "Маданият" маҳалласидаги 35-уйда яшовчи С. Абдуғаниеванинг ҳовлисида қазилган чуқурдан қадимий қабр топилди, деб маълум қилди туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Хонадонда... хазина бор экан

Хонадон эгасининг мувожаатига кўра, вилоят маданий мерос бошқармаси, туман ҳокимлиги, прокуратураси ва ИИБ ҳамда жамоатчилик вакиллари фуқаро яшаб турган ҳовлида қазилма ишлари олиб боришди.

Дастлабки ўрганишларга кўра, ушбу қабр «Қовунчи» маданиятига оид бўлиб, у миллоддан аввалги III, миллоднинг III-IV асрларига оид эканлиги қайд этилди. Қабрдан ўша даврда яшаган одамларнинг суяк қолдиқлари (1 та скелет) ва 9 хилдаги турли ҳажм ва шаклдаги сопол буюмлари (1 донаси синик ҳолда ҳамда 1 дона



аёллар мунчоги) олинди. Айни чоғда ушбу қадимий топилма Янгийўл шаҳридаги Усмон Юсупов уй-музейига далолатнома асосида топширилди.

Дейдиларки...

- Одам тилга кириши учун 2 йил кифоя, лекин тилини тийиб ўтириши учун 60 йил керак экан.
- Бекордан бекорга ханжарингни қиндан чиқардингми – санч. Шундай санчки, бирданнига чавандозни ҳам отни ҳам ҳалок қилсин.
- Отангинг сўкмоғи отанга буюрсин, сен ўз сўкмогингни топ.
- Лев Толстойнинг шляпасига ўхшаш шляпа сотиб олибсан, лекин унинг бошига ўхшаш бошни қаердан оласан?
- Доно ҳижмат айтиб, тентак эса бақириб хайрон қолдиради.

Расул Ҳамзатов
"Менинг Доғистоним"дан

Замондошимиз

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган **Ниёзов Сайдали Бурхоневич** асли деҳқон фарзанди. У ўқувчилик йилларидаёқ далада ишлаб, меҳнатда тобланди. Шу билан бирга дурадгорлик хунарини ўрганиб, ёғочдан эшик-ром ва бошқа рўзгор буюмлари ясаб, кўпчиликдан раҳмат эшитди.

Депутат халқнинг ишончли вакили. У халқ дарди, таъми билан яшаб, астойдил хизмат қилганина ҳурматга сазовор бўлади.

СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ



Аммо, кўнглининг бир четиди олий маълумотли мутахассис бўлиш орзуси бор эди. Бу орзу уни Тошкент давлат иқтисодий университетига етаклади. Олий илмгоҳни тугаллаб, 2-сонли "Тошкент дон маҳсулотлари" комбинатида бош ҳисобчи, сўнгра "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясида бошқарма бошлиғи, корпорация бошқаруви раиси ўринбосари лавозимларида ишлади. Кейинчалик С. Ниёзовни малакали мутахассис сифатида яна "Тошкент дон маҳсулотлари" АЖга ишга тақлиф қилишди. Комбинатда у иқтисодчи, раис ёрдамчиси, раис ўринбосари, бошқарув раисининг ўринбосари, шунингдек, мазкур жамиятга қарашли "Сифатли омбор" МЧЖ раиси ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. Билимдон ва малакали мутахассис С. Ниёзов қаерда, қайси лавозимда ишлагани, ўзининг меҳнатсеварлиги, камтаринлиги ва касбига садоқатини намойён этди. Бошлаган ҳар бир ишини муваффақиятли яқунлаб, кўпчиликнинг ишончи ва ҳурмати сазовор бўлди.

Ҳозирги вақтда С. Ниёзов Нурафшон шаҳридаги "Агро Савдо Холдинг" масъулия чекланган жамияти раҳбари бўлиб фаолият юритмоқда. Ҳам тадбиркор, ҳам депутат сифатида эса ҳамisha одамлар орасида, уларнинг дарду ташвишлари, муаммолари билан банд.
– Корхонамиз бир кунда 150 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди С. Ниёзов. – Асосан, Қозоғистондан импорт қилинган галлани Туркия технологиялари асосида қайта ишлаб, Афғонистонга экспорт қиламиз. Ҳозирда корхонада 15 киши доимий ишлайди. Жорий йилнинг ўтган даврида 2 млн. 770 минг АҚШ долларлик унни экспорт қилдик. Яқин кунларда Туркиядан яна бир ун тегирмонини олиб келиб ўрнатиб, икки ҳисса кўп ун тайёрлашни режалаштирганмиз.
Мамлакатимизда коронавирус пандемияси бошланган илк кунлардан "Агро

Савдо Холдинг" масъулия чекланган жамияти томонидан Нурафшон шаҳрида истикомат қилувчи эҳтиёжман оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат 10 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати бошланганида эса биринчилардан бўлиб 60 миллион сўмлик маблағ хайрия сифатида жамғармага ўтказилди. Шунингдек, 32 тонна ун маҳсулоти 46 фойза арзонлаштирилган ҳолда шаҳардаги "Чигирик" маҳалласи аҳолисига етказиб берилди, яна 48 тонна ун арзонлаштирилган нархда аҳолига сотилиши таъминланди.
– Депутатимиз узоқни кўрадиган, саховатли инсон, – дейди "Чигирик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Ҳамдамов. – Яқинда унинг саъй-ҳаракати билан маҳалла ҳудудидаги 108 метрлик йўл тўлиқ асфальтланиб, 624 метрлик кўча таъмирлаб берилди. Бу ишлар учун

128 миллион маблағ сарфланди.
– Мақтабимиз ҳудудини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳам депутат Сайдали Ниёзовнинг ҳиссаси катта, – дейди 19-умумий ўрта таълим мактаби директори Шохид Нурматова. – Шунингдек, носоз ҳолатдаги 10 та компьютер жамламасини 4,8 миллион сўмга таъмирлатиб берди.
Дарҳақиқат, жонқуяр депутатнинг назаридан ҳеч ким четда қолмайди. Яқинда унинг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳрида истикомат қилувчи бир гуруҳ уруш қатнашчилари ҳамда фронт ортида мардондор меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар улашилди.
Тиниб-тинчимас депутат С. Ниёзов Нурафшон шаҳар Кенгашининг маҳал-

лий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси сифатида ҳам самарали фаолият юритар экан, бугунги депутат шунчаки мақомга эга бўлишигина эмас, балки халқ дардига шерик бўлиб яшаши, виждони, қалби уйғоқ, юраги она юрт равнақи йўлидаги хайрли ва эзгу ишлар ҳаракатида бедор уриб туриши лозимлигини жуда яхши тушунади.
Зеро, мамлакатимизда рўй бераётган катта ўзгаришлар, айниқса, бугунги вазият ҳар бир раҳбар, депутат ва фуқародан ана шундай масъулият ва жонбозликни талаб этмоқда.
Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси аъзоси
Элбек ЖАМОЛОВ олган суратлар

Реклама хукуки асосида

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир:
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-643. 12 073 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди.
Қўғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-64-10

**Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqat@mail.ru uz | th-tp@inbox.ru**

Манзиллими:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир:
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳих
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ